
БЕМОРЛАР ЙЎҚЛАНДИ

Қурбон ҳайитининг айна муборак кунлари арафасиди туман ҳокими Б. Ибрагимов ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан танишиш мақсадида жойларга чиқди. У ижтимоий соҳаларга дахлдор ташкилотлар раҳбарлари ҳамроҳлигида амалга оширилаётган ишларни кўздан кечириб, қўлга киритилган муваффақиятлар ҳамда йўл қўйилган камчиликлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари, тавсияларини берди. Дастлаб туман ҳокими Беҳзод Ибрагимов туман тиббиёт бирлашмасининг реанимация бўлимида даволанаётган уч нафар аҳволи оғир беморларни кириб кўрди, бўлимда уларга яратилган шароитлар билан танишди. Беморлар, уларнинг яқинлари билан суҳбатлашди, Уларни қийнаётган муаммолар билан қизиқди. Беморларнинг тез кунларда соғайиб оилалари бағрига қайтишлари учун амалий ёрдам берди. Ҳоким ташрифидан бемор ва уларнинг яқинлари кўнгли тоғдек кўтарилди.

2022-07-07 15:46:17